

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2025 йил август ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, Избоскан тумани Солбоши МФЙ биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи – туман судининг раиси А.Маматқулов, А.Абдурайимовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Бўстон туман прокурори ёрдамчиси Ж.Орифжонов, судланувчи А.Дадабаев ва унинг ҳимоячиси -адвокат Д.Холматовларнинг иштирокида, Дадабаев Абдувоҳид Ҳақимовичга оид 1-1706-2501/10-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Дадабаев Абдувоҳид Ҳақимович (Dadabayev Abduvoxid Hakimovich), 1967 йил 24 октябрда Избоскан туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Избоскан тумани, Юқори МФЙ, Дамба кўчаси, 42-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ – атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 12 августда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Судланувчи А.Дадабаев 2025 йил 12 май куни Избоскан тумани, Юқори МФЙ, Дамба кўчаси, 42-уйдаги яшаш хонадони томорқасида ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган текширишда тақиқланган 2 туп кўкнори гиёҳвандлик моддаси ўсимлигини экиб, парваришлагани аниқланиб, ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи А.Дадабаев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, яшаш хонадони Избоскан тумани, Юқори МФЙ, Дамба кўчаси, 42-уйнинг томорқасида қишлоқ хўжалиги экинларини экиб етиштиришлиги, 2025 йил баҳор ойларида томорқаси экинларнинг орасидан яшил тусли, бошоқлари бўлган, кўкнори ўсимлиги ўсиб чиқиб қолганлигини кўриб, ушбу ўсимликларни анкологик кассаликка чалинганлиги сабабли, юлиб юбормасдан, келгусида дори сифатида фойдаланиш мақсадида парвариш қилганлиги, 2025 йил 12 май куни Избоскан туман ИИБ ходимлари томонидан яшаш хонадонига икки нафар холислар ва агроном мутахасис



иштирокида келишиб, ўзларини таништириб, ҳозирда “Қорадори-2025” кенг қамровли тезкор профилактик тадбирлари ўтказилаётганлигини, хонадон томорқасини кўздан кечирилишини маълум қилишиб, томорқадан 2 туп кўкнори ўсимликлари мавжуд эканлигини, таги юмшатилиб, бегона ўтлардан тозаланиб, суғориб келаётганлиги аниқланиб, баённома орқали олиб қўйилганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, енгиллик беришни сўрашини кўрсатди.

Гувоҳ У.Рахимов судда, Избоскан тумани қишлоқ хўжалиги бўлимида мутахассис бўлиб ишлаб келишлиги, Избоскан туман ИИБ ходимлари томонидан 2025 йил 12 май куни Избоскан тумани ҳудудида ўтказилган “Қорадори-2025” тезкор профилактик тадбирлари давомида Избоскан тумани, Юқори МФЙ, Дамба кўчаси, 42-уйда яшовчи А.Дадабаевнинг яшаш хонадони ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганлиги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида агроном-мутахассис сифатида иштирок этганлиги, А.Дадабаевнинг яшаш хонадони ходимлар, ҳолислар ва унинг иштирокида кўздан кечирилган вақтда, хонадоннинг томорқасида 0.2 кв.м ер майдонида 2 туп 2 бошоқ кўкнор ўсимлигини парваришлаб келаётганлиги аниқланлиги, кўкнор ўсимликлари бегона ўтлардан тозаланган ҳолда ўсаётганлиги, ўғитлар солиниб, суғориб парвариш қилинганлиги аниқланганлиги, мазкур ҳолат юзасидан баённома расмийлаштирилганини кўрсатди.

Судланувчи А.Дадабаевнинг айби булардан ташқари хонадонни кўздан кечириш, мутахассис хулосалари, ашёвий далилни олиш ва кўздан кечириш баённомаси, суд – кимёвий экспертизаси, ашёвий далил ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланади.

Суд, судланувчи А.Дадабаевнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан тақиқланган кўкнор ўсимлигини қонунга ҳилоф равишда экканликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши, 16-бандида жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозимлиги, 37-бандида ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ содир этилган



жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, судланувчи А.Дадабаевга нисбатан жазо тайинлашда айбига тўлиқ иқрор, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, уни шахсини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғаразли ва бошқача паст ниятларда содир этганини оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 03.02.2006 йил кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг 1-бандидаги жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилиниши, ҳамда 3-бандидаги жазо адолатли бўлиши ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилган ҳолда, гарчанд у томонидан содир этилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб, у муқаддам судланмаган бўлсада, содир этган жиноятининг хусусиятини, келгусидаги тарбиявий аҳамиятини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 70, 71-моддаларини тадбиқ этмасликни, уни муқаддам судланмаганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонун нормаси санкциясида назарда тутилган жинояти учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни;

шунингдек судга оид наркология экспертизасининг 2025 йил 22 майдаги 853-сонли хулосасига кўра, судланувчи А.Дадабаев гиёҳвандлик касаллигига чалинмаганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтож эмаслигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 96-моддасини қўлламасликни ва бу масалани суд муҳокамасидан чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далил масаласини муҳокама қилиб, ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ашёвий далилларни сақлаш омборхонасида сақланаётган 2 туп кўкнори ўсимлигини йўқ қилишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд

х у к м қ и л а д и:

Дадабаев Абдувоҳид Ҳақимович (Dadabayev Abduvoxid Hakimovich)
Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.



А.Дадабаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баравари миқдорида, 1.875.000 (бир миллион саккз юз етмиш беш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

А.Дадабаевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар ДХХ Андижон вилоят бошқармасига топширилган жами 2 туп кўкнори ўсимлиги йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланган ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг шу суднинг кассация инстанциясига шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи

имзо

А.Маматқулов

ҳукм нусхаси аслига тўғри,
раислик қилувчи

А.Маматқулов

